*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ижтимоий-сиё… газета…

2014 йил
**22 ноябрь**
ШАНБА
**№ 95** (12731)

**www.th.uz**

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 118 400 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 231 575 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 21 ноябрь.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётдаги салмоқли ҳиссаси билан ажралиб туради.**

**Буни яхши билган вилоятимиз мутасаддилари мазкур соҳа ривожи йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётир.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 12 июлда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

## ЎЗИ КИЧИК, ИМКОНИЯТИ КАТТА



Ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар самарасида вилоятда тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган корхоналарда харидоргир, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётир.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш учун тижорат банклари томонидан қисқа ва узоқ муддатли 509 миллиард 785 миллион сўмлик кредит ажратилган.

Айни пайтда Зангиота туманида уч мингдан зиёд, Қибрайда икки мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Янгийўлда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар икки мингга етган. Юқори Чирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларида бундай субъектлар сони мингдан ошган.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ишбилармонлик салоҳиятига эга фуқароларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиш имконини бермоқда.

Зангиота туманидаги "Meduza star" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган ўттиз турдаги мебель маҳсулотлари ўз харидорига эга.

– Мўъжазгина устахонамизда рўзғорбоп буюмлар ясалар эди, – дейди корхона раҳбари Абдумалик Набиев. – Президентимиз

*(Давоми 2-бетда).*

## АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

**Ёш авлодни ҳар томонлама етук, келажакда ўз билим ва қобилияти билан Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар этиб тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.**




*(Давоми 2-бетда).*

Қарор ва ижро

**Маълумотларга кўра, ўтган 2013 йилдан ҳозирга қадар Юқори Чирчиқ туманида дори-дармон, қурилиш, енгил саноат ваноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган умумий қиймати 93 миллион 225 минг АҚШ долларилик 23 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 1070 киши муқим иш жойига эга бўлди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шу йилнинг тўққиз ойида 110 миллиард 309 миллион сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 миллиард 35 миллион сўм кўп бўлиб, 26 фоиз ўсишга эришилди.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Туман саноатининг жадал ривожланиши, янги корхоналар барпо этилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

– Бу йил дори-дармон, қурилиш ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Медстандарт гласс", "UZGERMED PHARM", "Ehsan Maybod Manufacturing Group" каби 6 та лойиҳа амалга оширилди, – дейди туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бахтиёр Бегматов. – 14 миллион 950 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 311 та янги иш ўрни яратилди.

*(Давоми 2-бетда).*

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

**Қиш эшик қоқиб турибди. Табиий газ ва электр таъминоти изғиринли кунларда энг керакли неъматлар. Лекин кейинги йилларда узлуксиз коммунал хизмат кўрсатишда айнан истеъмолчиларнинг айби билан қатор муаммолар юзага келаётир. Аксарият аҳолида табиий газ, электр энергияси, иссиқлик манбаи ва ичимлик суви таъминотидан ўз ўрнида, инсоф билан фойдаланиш, ҳақини вақтида тўлаб бориш кўникмаси етишмайди.**

## МАНСАБДОРЛАРГА ҚАРЗДОРЛИК ЯРАШМАЙДИ

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси қарздорликни тугатиш, тизимдаги муаммоларни мумкин қадар бартараф этиш мақсадида муайян ишларни амалга оширяапти.

– Лекин, табиий газни қадрламаётганлар ҳам оз эмас, – дейди унитар корхона газ сотиш ва уни ҳисобга олиш хизмати етакчи муҳандиси Мирсалим Исмоилов. – Аҳоли фойдаланган табиий газ ҳақини вақтида тўламаяпти, тузилган шартнома мажбуриятларини бажармаяпти. Ҳатто, бир йилда бир марта туман идорасига келиб, солиштирма

*(Давоми 2-бетда).*

Вилоят комиссияси йиғилиши

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Вилоят ҳокимлигида вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят комиссияси аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, комиссия масъул котиблари, тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарлари, васийлик ва ҳомийлик органи мутахассислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлимлари раислари иштирок этди.**

**Йиғилишни вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.**



Таъкидландики, комиссия тегишли бошқарма ва идоралар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғлиғини ижтимоий муҳофаза қилиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни аниқлаш ва уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, улар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Чуқур таҳлил ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда жойларда бор имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани, ҳудудий комиссиялар қатор камчиликларга йўл қўяётгани қайд этилди. Хусусан, Оҳангарон, Оққўрғон ва Бекобод туман комиссиялари масъул котиблари ўрта махсус маълумотли, Паркент, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманлари, Ангрен ва Бекобод шаҳарлари комиссиялари котиблари эса ҳуқуқшунос маълумотига эга эмас. Бўстонлиқ ва Пискент туманларида кўпдан буён комиссия масъул котиби тайинланмаган.

Йиғилишда тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ**
**олган суратлар.**



## ДАВРИЙ НАШР ВА КИТОБЛАР НАМОЙИШИ

**Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Ўзбекистон матбуоти" IV миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда республика ва вилоятларнинг етакчи даврий босма нашрлари ва нашриётлари иштирок этди.**



– Журналистика йўналишида ўқиётганим учун ушбу кўргазмада доим фаол қатнашаман, – деди паркентлик Дилноза Умарова. – У бизга газета ва журналлардаги фарқни, хилма-хилликни кузатишга, тажриба оширишга ёрдам беради. Вилоятлар босма нашрларидан бир қанчасини олдим. Дарс жараёнида ушбу газеталарни таҳлил қиламиз.

Кўргазмадан нашриётларнинг босма маҳсулотлари, хусусан "Соғлом бола йили" Давлат дастурига асосан нашрдан чиққан болалар китоблари ҳам жой олди. Шунингдек, "Болалар адабиёти" кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, унда пойтахтда фаолият юритаётган 20 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоблари билан қатнашди.

**Илмира ЛАЗИЗОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ**
**олган сурат.**

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

## «ЧАККАГА САБАБ – ЧАККИ ИШ»

Газетанинг 29 октябрдаги 87-сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Чирчиқ шаҳар Аҳмад Яссавий маҳалласи 4-уйдаги, айниқса, 38, 39 ва 40-хонадонларни кузқиш мавсумига тайёрлашда йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида фикр юритилган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси вазифасини бажарувчи У. Дарвишев имзоси билан жавоб хати олди. Унда қайд этилишича, шаҳар ҳокимлиги, "Бино Чирчиқ" ҳамда "Нурчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари вакилларидан иборат комиссия 4-уй хонадонларининг ҳолатини кўздан кечириб, шифт ва деворлардаги чакка доғлари эски экани, айни пайтда хонадонларда чакка ўтмаётганини аниқлади. Зеро, "Нурчи" ширкатлар уюшмаси 4-уй томини 100 дона янги шифер билан ёпди, шунингдек, 4 та темир эшик ўрнатди.

Газетада босилмади, аммо...

## ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Бўстонлиқ тумани Паргос қишлоғи 18-уйда яшовчи С. Пўлатов ўғли ва келинининг турмушлари келишмай, ажралишгач, Чирчиқ туманлараро суди икки фарзанди учун ҳар ойда ўғлининг маошидан 50 фоиз эмас, 100 фоиз алимент ундириш ҳақида ноқонуний ҳал қилув қарори чиқаргани ҳақида таҳририятга шикоят хати йўллаган эди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси Ф. Абдуазимовдан ушбу шикоят юзасидан жавоб хати келди. Унда таъкидланишича, С. Пўлатовнинг шикоят хати вилоят судида кўриб чиқилди. Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Мадина Пўлатованинг жавобгар Ғулом Пўлатовга нисбатан фарзандларининг таъминоти учун қўшимча алимент ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилиб, унинг фойдасига Ғ. Пўлатовдан ҳар ойда қатъий 150 минг сўмдан ундириш белгиланган.

Жавобгар Ғ. Пўлатов ҳал қилув қароридан норози бўлиб, кассация шикояти келтирди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ажримига кўра, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, Ғ. Пўлатовдан фарзандлари учун ҳар ойда қатъий 80 минг сўмдан алимент ундириш белгиланди.

Суд қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ижро варақаси ҳамда ажрим суд ижрочилари бўлинмасига юборилди. Келгусида қарздор ва ундирувчи ўртасида суд қарорлари ижросини таъминлаш масаласида низоли ҳолат юзага келган тақдирда, ундирувчи жавобгар яшайдиган ҳудуддаги суд ижрочилари бўлинмасига мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# ЎЗИ КИЧИК, ИМКОНИЯТИ КАТТА

раҳнамолигида соҳада яратилган имкониятлардан фойдаланиб, устахонамизни кенгайтирдик, ўнга яқин кишини иш билан таъминладик.

Яқинда мазкур корхонага замонавий технология келтириб ўрнатилди. Натижада янгича усул ва кўринишда ётоқхона ҳамда меҳмонхона мебеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Иқтисодиётнинг мазкур бўғинида фаолият юритаётган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эмин-эркин ишлаши учун имтиёз ва имкониятлар бериш билан бирга, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилиш учун ҳам қулай шароитлар яратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги кичик бизнес субьектлари томонидан 421 миллиард 822,1 миллион сўмлик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилгани ана шу ишлар натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган "Биолайн-косметикс" Ўзбекистон-Англия қўшма корхонасида юз турдан ортиқ парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Табиий ва шифобахш экстрактлардан тайёрланаётган маҳсулотнинг бир қисми ички бозорга сотилаётган бўлса, қолгани экспорт қилинмоқда.

– Шу кунларда ишлаб чиқариш жараёнига энг замонавий технологияларни татбиқ этиш, хорижий ҳамкорларимиз сафини кенгайтириш бўйича иш олиб бормоқдамиз, – дейди "Биолайн-косметикс" раҳбари Акром Мингбоев. – Бу масала ижобий ҳал этилгач, яна йигирмадан зиёд янги иш ўрни очилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор берилаётгани коллеж битирувчилари учун ҳам айни муддао бўлмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ёшларга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган корхоналар ташкил этишда катта имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бош бошқармасидан маълум қилишларича, ушбу ҳужжат ижроси доирасида битирувчиларга 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилган.

Вилоят ёшлари орасида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланаётган, тадбиркорлик соҳасида ўзининг илк қадамларини қўйиб, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Олмалиқлик Шаҳноза Раҳимжонова бунга мисол. Жорий йилнинг ёзида иш бошлаган бу қиз банкдан олинган кредит эвазига "Шоҳиста Шаҳноза" тикув корхонасини очиб, ўн нафар дугонасини ишга олди.

– Бизнес-лойиҳамни ишлаб чиқишимда коллежда тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ўқиб-ўрганганларим қўл келди, – дейди Шаҳноза. – Айни пайтда мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари учун махсус чойшаблар ишлаб чиқармоқдамиз. Келгусида эркаклар ва аёллар учун мавсумий кийимлар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожланиб боришида давлатимиз томонидан ишбилармонларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар муҳим омил бўлаётир.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

Мамлакатимизда навқирон авлод таълим-тарбияси, хусусан, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим муассасаларида Конституциямиз алоҳида фан сифатида ўрганилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Конституцияни ўрганиш мактабгача таълим муассасаларидан бошланади. Кичкинтойларга Бош қомусимиз ҳақида дастлабки тушунча бериш учун "Конституция сабоқлари" махсус ўқув қўлланмаси яратилди. Машғулотлар содда, болалар тасаввур оламига мос услубда олиб борилаётир.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич ҳамда 5-7-синфлари учун ушбу фан бўйича алоҳида курслар ташкил этилган. 1-4-синфларда "Конституция сабоқлари"нинг узвий давоми сифатида "Конституция алифбоси" ўқув курси фанлар таркибига сингдирилган. 5-7-синфларда "Конституция оламига саёҳат" дарси ўтилмоқда.

**Ҳаётимиз асоси**

Янгийўл туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабида қўнғироқ чалинди. 6-"а" синфида "Конституция оламига саёҳат" дарси бошланди. Ўқитувчи Наргиза Кўчқорованинг дастлабки баҳоси уйга берилган вазифа – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиб келган Жасур Омоновнинг "Кундалик дафтар"идан жой олди: "аъло!"

Наргиза опа ўқувчиларга фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳақидаги мавзуни ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берди. Сўнг фуқароларимиз бу борада қандай имкониятларга эга эканини сўради.

– Конституциямизнинг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деб белгилаб қўйилган, – деди ўқувчилардан бири.

Мураббия дарс давомида ўқувчиларга давлат ва шахснинг ўзаро муносабати, барчанинг қонун олдида тенглиги, сўз эркинлиги, вояга етмаган фуқароларнинг жиноий жавобгарлиги каби мавзуларда қисқача тушунчалар берди.

– Конституция – ҳаётимиз асоси. Жамиятимизнинг барча жабҳаларида буни кўришимиз мумкин, – дейди мактаб директори Нажмиддин Жўрабоев. – Ўсиб келаётган авлоднинг ўқиб-изланиши қонун ҳужжатларида кафолатлангани боис ёшларимиз чуқур билим олмоқда, турли соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда. Жамиятимизда мустаҳкам ўринга эга бўлиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётир.

– 7-синфда ўқийман, – дейди Алишер Шукуров. – Она тили ва адабиёт, тарих, ҳуқуқ фанлари ҳамда инглиз тилини пухта ўрганмоқдаман. Яқинда мактабимизда Конституциямизни ўрганишга бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган мутахассисларнинг маърузаларини тинглаб, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий билимларимиз бойиди.

Алишернинг бурро-бурро сўзлаши, ўзига бўлган ишончи таҳсинга лойиқ. Ҳа, бу давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлод камолотига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда камол топиши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир.

**Бахтимиз пойдевори**

Саноқли кунлардан кейин Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 22 йил тўлади. Айни пайтда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида ҳам шу санани муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётир.

Бошқарма бошлиғи Қаҳрамон Мавлоновнинг айтишича, жорий йил 10 ноябрдан 10 декабрга қадар вилоятдаги барча таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсон камолоти, бахти ва фаровонлиги қомуси" шиори остида ҳуқуқий маданият ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик доирасида "Президент асарларининг билимдони", "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий асоси" мавзуларида иншолар ва фотолар кўрик-танлови ташкил этилаётир.

– Ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари иштирокида маҳаллаларда "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсонпарварлик ва адолат таянчи" мавзуида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилмоқда, – дейди Қ. Мавлонов. – Жумладан, яқинда Қуйи Чирчиқ туманидаги 10-, Бўстонлиқ туманидаги 2-, Оҳангарон шаҳридаги 1-умумтаълим мактабларида шундай тадбирлар ўтказилди. "Конституция – бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг жорий йилги ҳудудий босқичи ноябрь ойи охирида ташкил этилади.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Интерфаол тренинг

**Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курсида фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари иштирокида "Оила – маҳалла – таълим муассасалари ҳамкорлиги" мавзуида амалий интерфаол тренинг ташкил этилди.**

# ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИ

Умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари қатнашган тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигида олиб бориладиган вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини тўғри белгилаб олишлари учун миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, камтарлик, олижаноблик, меҳр-мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантиришда маҳалла, халқ таълими тизимида қандай ютуқларга эришилаётгани, юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, "Оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоатчилик кенгашлари"нинг асосий вазифалари, тарбиянинг янги шакл ва услубларини қўллашда педагог ходим, ўқитувчи, ота-она ва жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида фикр алмашилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

**Қизил Ярим ой жамияти Ўрта Чирчиқ тумани бўлими фавқулодда вазиятларда аҳолига биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, азият чеккан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мавзуларида давра суҳбати ўтказди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, жамият аъзолари, кўнгиллилар иштирок этди.**

Тадбирда нохуш вазиятлар юз берганда жабрланганларга моддий ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур уст-бош билан таъминлаш хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, "Хайр-эҳсон" декадасини ташкиллаштириш хусусида корхона ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот олиб бориш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Мазкур Қарор асосидаги дастурга мувофиқ иш бошлаган аксарият корхоналарнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани ва айниқса, улар мунтазам кўпайиб бораётгани ҳисобига қўшимча янги иш ўринлар яратилаётгани диққатга сазовор. Буни Бордонкўл қишлоғидаги "Медстандарт гласс" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тиббиётда қўлланилувчи шиша найча, ампула ва флаконлар ишлаб чиқараётган корхона дастлаб 60 киши билан фаолият бошлаган эди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида ҳозир ишчилар 100 нафарга яқинлашиб қолди. Албатта, бунда Хитойдан олиб келинган 3 миллион 500 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳларнинг ёрдами катта.

– Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланаётгани туфайли харидорларнинг танлаш имкони жуда юқори, – дейди корхона раҳбари Шерзод Жўраев. – Шу боис, рақобатда ютиш учун асосий эътиборни сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратганмиз.

Корхона 5 ойлик қисқа



фаолияти мобайнида 4 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорларимизнинг импорт ўрнини босувчи шу турдаги маҳсулотга бўлган талабини қондиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда жамият ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва экспортни йўлга қўйиш ҳаракатида.

Эътиборлиси, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлар.

– Иш бошлаган дастлабки кунларимда мана бу компьютерлашган замонавий дастгоҳлар мени жуда ҳайратга солган эди, – дейди Комилжон Иванов. – Янада ҳайратлантиргани, буларни ўзим тенги ёшлар бошқаришаяпти.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

# МАНСАБДОРЛАРГА ҚАРЗДОРЛИК ЯРАШМАЙДИ

ҳужжатларни расмийлаштиришни хаёлига ҳам келтирмайдиган истеъмолчилар кўп. Қарздорлар рўйхатида раҳбарларнинг, бюджет ташкилотларида ишлайдиганларнинг борлиги ажабланарли ҳол.

Унитар корхона қарздорлар тўғрисида берган маълумотда Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Зангиота, Оҳангарон, Пискент туманларида газдан қарздор мансабдорлар айниқса кўп экан. Зангиоталик қарздорларнинг бири номдор фермер, яна бири яхши даромадли корхона раҳбари бўла туриб, фойдаланган газдан қарзини тўламай келишаяпти. "Ислом Файз барака", "Аброр Ҳожиакбар файз", "Абдуазим агро", "Саид Мурод меҳрибон" каби тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг қарзи айниқса салмоқли.

Оҳангарон туманидаги мактаб, коллеж ва бошқа нуфузли идоралар раҳбарлари қарздорлар рўйхатида етакчилик қилишаётгани ачинарлидир. Қизиқ, стоматология поликлиникаси, фермерлар уюшмаси, бандликка кўмаклашиш маркази, ветеринария бўлимида ишлаётган раҳбарлар наҳотки хонадонларининг қарзидан бехабар бўлсалар?!

Чирчиқлик айрим истеъмолчилар соғлиқни сақлаш ва таълим даргоҳларида масъулиятли лавозимларда ишласаларда, коммунал тўловлардан қарзларини тўлашни пайсалга солаяптилар. Пискентлик "казо-казолар" ҳам газдан қарздорлик бўйича кимўзарга мусобақалашаётган кўринадилар.

Қарзлари миллион сўмдан ошган одамлар қандай тинч ухлашади? Улар туман ва вилоятнинг коммунал тўлов бўйича кўрсаткичларини қанчалар ортга тортаётганларини билишармикин?

Дебитор қарздорликни камайтириш учун қарздорларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, суд идораларига топширишни изчил йўлга қўйиш ва йилдан-йилга ўтиб келаётган катта қарзлари бор истеъмолчиларни таъминотдан узиш орқали тўловларни ундириш талаб этилади.

Рўйхатда ўттизга яқин шундай шахсларнинг исм-шарифи ва қарзи кўрсатилган. Лекин, биз уларни номма-ном келтиришни жоиз деб билмадик. Бу сафар "Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит" қабилида иш тутдик. Зеро, "Яхши отга бир қамчи", деган мақол бежиз айтилмайди.

Хулоса шуки, газ таъминотидаги муаммолар ечими ўзимизга боғлиқ. Халқимиз таъбири билан айтганда, дардимиз бўлса бўлсин-у, қарзимиз бўлмаслиги лозимлигини унутмайлик.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).


ЭЪЛОН

НОРАСМИЙ ТАРЖИМА

# Ҳиндистон ҳукумати

## Дастлабки иштирок этишга таклифнома (матбуот нашри) – қайта кўриб чиқилган

**МАВЗУ: Ҳиндистон ҳукумати учун Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида қуйидаги биноларни барпо этиш – Ҳиндистон элчихонаси қурилиш мажмуаси, девонхона, маданий марказ, элчининг қароргоҳи, дипломатлар учун тураржой, элчихона ходимлари учун яшаш жойи ва хавфсизлик хизмати идораси.**

1. Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси Ҳиндистон Президенти манфаати ва унинг номидан тан олинган пудратчилардан қуйидаги ишни амалга ошириш учун дастлабки малакавий талабномаларни тақдим этишга таклиф этади:

| Иш номи | Тахминий қурилиш майдони | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчасида жойлашган Ҳиндистон элчихонасининг биноларини барпо этиш: девонхона, маданий марказ, элчининг қароргоҳи, дипломатлар учун тураржой, элчихона ходимлари учун яшаш жойи ва хавфсизлик хизмати идораси. Бу умумий қурилиш ишлари, электр қуввати, сув ўтиш тизими, ёнғин хавфсизлиги хизмати, иситиш, музлатиш, ҳаво алмаштириш ва хавфсизлик тизими ва бошқаларни ўз ичига олади. | 4984 м/кв | 24 ой |

2. Қуйидаги талабларга жавоб берувчи пудратчилар ҳужжатларни топшириш ҳуқуқига эгадирлар. Бу мезонлар умумий ҳисобланади. Батафсил ва аниқ маълумот тендер ҳужжатларида мавжуд.

*а) Номзодлар тендерда кўрсатилган батафсил маълумотга кўра Ўзбекистонда қурилиш ишларини амалга ошириш учун маҳаллий маъсул корхонанинг рухсатномаси, рўйхатдан ўтганлиги, гувоҳномасига эга бўлишлари лозим.*

*б) Учта шартнома, яъни ҳар бири 3.40 миллион АҚШ доллари (ҚҚС бундан истисно) қийматидаги, ёки иккита ҳар бири 4,25 миллион АҚШ доллар (ҚҚС бундан истисно), ёки 6.80 миллион АҚШ доллари қийматидаги битта лойиҳани муваффақиятли тамомлаган бўлишлари зарур*

*в) Тендерда кўрсатилган батафсил маълумотга кўра умумий қурилиш ишлари бўйича йиллик молиявий айланмаси 2.55 миллион АҚШ долларни (ҚҚС бундан истисно) ташкил этиши зарур.*

*г) Тендерда иштирок этувчи корхона даромад келтирувчи бўлиши керак ва охирги беш йил давомида талафотга учрамаган бўлиши зарур.*

*д) Тендерда кўрсатилган маълумотга кўра 3.4 миллион АҚШ доллар миқёсида корхонанинг тўлов имконияти бўлиши зарур.*

*э) Тендерда кўрсатилган маълумотга кўра амалдаги тасдиқланган ҚҚС бўлиши шарт.*

3. Қўшма корхоналар тендерда кўрсатилган маълумотларга асосан кўриб чиқилади.

4. Дастлабки иштирок этиш ҳужжати тўлови 200 АҚШ доллари ёки 12000 Ҳиндистон рупийсини ташкил этади. Иштирок этиш истагини билдирган пудратчилар Дастлабки иштирок этиш ҳужжатларини олиш учун 200 АҚШ доллари ёки 12000 Ҳиндистон рупийсини нақд пул ёки банк траттаси орқали Деҳли шаҳридаги "Romi Khosla Design Studies" компанияси номига ўтказиб ёзма равишда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Биринчи котиб, Тошкентдаги Ҳиндистон элчихонаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Қора булоқ кўчаси, 15/16-уй, 700052, телефон рақами (+99871) 140-09-83. Ҳужжатлар Деҳли шаҳри, Маҳарани боғ кўчаси, С9-уйда жойлашган "Romi Khosla Design Studies" компаниясидан ҳам сотиб олиниши мумкин.

5. Дастлабки иштирок этиш ҳужжатини сотиб олиш учун аризалар қабул қилинадиган охирги кун: 28.11.2014 соат 15:00 гача.

6. Дастлабки иштирок этиш ҳужжатлари Бай пули (ЭМД) ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозитисиз (ИПСД) кўриб чиқилмайди. Бай пули ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозити фақат танлов шартларидан ўта олмаган пудратчиларга кимошди савдосида пудратчи аниқлангандан сўнг қайтариб берилади ва ҳеч қандай фоиз тўланмайди.

**Қўшимча:**

**1)** Бай пули ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозити АҚШ долларида банк ўтказмалари, банк траттаси, тўлов талабномаси ёки банк кафолати (тендер ҳужжатларида кўрсатилган формага асосан) орқали Тошкент шаҳри, Ҳиндистон элчихонаси маъмурият раҳбари номига қабул қилинади.

**2)** Бай пули ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозити Ўзбекистон пул бирлиги сўмда ҳам банк ўтказмалари, банк траттаси, тўлов талабномаси ёки банк кафолати (тендер ҳужжатларида кўрсатилган формага асосан) орқали Тошкент шаҳри, Ҳиндистон элчихонаси маъмурият раҳбари номига қабул қилинади. Бай пулини Ўзбекистон сўмига нисбатан қиймати 218 551 383.80 (икки юз ўн саккиз миллион беш юз эллик бир минг уч юз саксон уч сўм саксон тийин) сўмни ташкил этади. Ростгўйлик келишуви кафолат депозитини сўмга нисбатан қиймати – 23 755 585.20 (йигирма уч миллион этти юз эллик беш минг беш юз саксон беш сўм йигирма тийин) сўм.

**3)** Бай пули ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозити Ҳиндистон рупийсида банк траттаси орқали Деҳли шаҳридаги PAY & Accounts Officer, Minister of External Affairs, New-Delhi номига ҳам қабул қилинади. Бай пули ва Ростўйлик келишуви кафолат депозити Тошкент шаҳридаги Ҳиндистон элчихонасига юқорида кўрсатилган манзилга тегишли конвертда тендер ҳужжатларида кўрсатилган Дастлабки иштирок этиш ҳужжати билан биргаликда тақдим этилади. Бай пулини Ҳиндистон Республикаси пул бирлиги рупийга нисбатан қиймати 5 675 480 (беш миллион олти юз этмиш беш минг тўрт юз саксон) ташкил этади. Ростгўйлик келишуви кафолат депозитини Ҳиндистон Республикаси пул бирлиги рупийга нисбатан қиймати 616 900 (олти юз оўн олти минг тўққиз юз) ташкил этади.

**4)** Бай пули ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозити банк чегирмалари олиб қолингандан сўнг фақат танлов шартларидан ўта олмаган пудратчиларга кимошди савдосида пудратчи аниқлангандан сўнг қайтариб берилади ва ҳеч қандай фоиз тўланмайди.

**5)** Бай пули ва Ростгўйлик келишуви кафолат депозити билан боғлиқ бўлган бошқа шартлар тендер ҳужжатларида кўрсатилганидек ўзгаришсиз қолади.

7. Иловалар билан биргаликда дастлабки иштирок этиш ҳужжатлари (техник қисми) муҳрланган конвертда ишнинг номи ва тегишли очилиш санаси кўрсатилган ҳолда тақдим этилади. Ушбу ҳужжат 29.12.2014 йил соат 15:00 гача қабул қилинади ва шу кунийёқ 15:30 да очилади.

8. Агар аризачи томонидан тақдим қилинган маълумотлар нотўғри бўлса аризачи тендерда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Вазирлик аризачи томонидан тақдим қилинган маълумотларни мустақил равишда текшириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

9. Тошкентдаги Ҳиндистон элчихонаси ҳар қандай аризаларни сабабини маълум қилмаслик ва дастлабки пудратчилар рўйхатини маълум бир ўзига қулай миқдоргача чеклаш ҳуқуқларини ўзида сақлаб қолади.

10. Тендер маълумотлари www.eprocure.in <http://www.eprocure.in>, www.eoi.gov.in/tashkent/<http://www.eoi.gov.in/tashkent/> ва www.tenderweek.com <http://www.tenderweek.com> веб саҳифаларида мавжуд.

11. Иштирокчилар тендер ҳужжатларини 2014 йил сентябрь ойида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълонларга асосан сотиб олган бўлсалар, такроран сотиб олишлари шарт эмас. Улар ушбу ҳужжатларни узайтирилган сана ва вақтда белгиланган куни ёки ундан олдинроқ тақдим этишлари мумкин.

**Биринчи котиб,**
**Ҳиндистон элчихонаси,**
**Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри.**

Таълим

# ТАЖРИБА-СИНОВ МАКТАБЛАРИ

– Президентимизнинг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида кўрсатилганидек, "Ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш" тизими жорий этилди ва унинг асосий стратегик йўналиши "Бутун умрга етадиган билим" бериш эмас, балки "Умр бўйи билим олиш"га айланди, – дейди Чирчиқ шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Тамара Йўлдошева. – Шунга кўра инглиз тили дарслари 2-синфдан ўтилиши муносабати билан 2013-2014 ўқув йилида 5- ва 15-мактабларимизда вилоят бўйича тажриба-синов ўтказилди.

Чирчиқлик мураббий ва ёшлар турли фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, ҳатто, халқаро кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Чунончи, фан олимпиадасининг вилоят босқичида 21-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жавоҳир Турғунов кимё, 9-мактаб ўқувчиси Роман Ражабов информатика фанидан 1-ўринни қўлга киритишган бўлса, "Билимлар беллашуви"нинг республика босқичида Елизаветта Маркарян, Арсен Ибрагимов, Миразиз Эллашев вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишди. "Йилнинг энг яхши фан ўқитув-



чиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида 6-мактабнинг меҳнат фани ўқитувчиси Дилсора Одилова 1-ўрин соҳиби бўлди.

Чехия Республикасида ўтказилган "Праганинг сеҳрли юлдузлари" халқаро танловида чирчиқлик 9 нафар ёшлар 1-ўринни эгаллаб, ғурур билан юртимизга қайтишди. 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро бокс турнирда 3-ўринни қўлга киритишди. Остонадаги "Илҳом эркинлиги. Мусиқа" ҳамда Сочида "Магнолиялар мамлакати" мавзуларида ташкил этилган халқаро танловларда 15-мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва ўқувчиларидан иборат жамоа юқори ўринларни эгаллашди.

– Педагоглар учун фақат истеъдод ва билимнинг ўзи етарли эмас, – деди пировардида Тамара Йўлдошева. – Кўпчиликдан "Нима учун айнан шу фанга қизиқасиз?" деб сўралганда, "Устозимни яхши кўрардим" ёки "Дарсни жуда қизиқарли ўтарди" деган жавоб оламиз. Демак, ўқитувчи ўз фани бўйича нафақат билими, балки педагогик маҳоратини ҳам намоён қила олиши керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Барча умумтаълим мактаблари "Зиёнет" ахборот-таълим тармоғига уланган бўлсада, айрим мактаблар бу имкониятдан қониқарсиз фойдаланаяпти. Кўпгина мактаблар ҳануз ўз сайтига эга эмас.

**Хуршида НАЗИРОВА.**




**ЭНГ КУЧЛИ ЖИНОИЙ ТАШКИЛОТ**

**Италия полицияси "Ндрангета" мафиячи синдекат билан алоқадорликда гумон қилинган 40 дан зиёд кишини қамоққа олди.**




BBC News тарқатган хабарда айтилишича, қамоққа олинганлар таъмагирлик, ноқонуний қурол сақлаш ва олиб юришда ҳам гумон қилинмоқда. Уларнинг аксарияти Италиянинг шимолида истиқомат қилади. Ломбардия минтақасидаги Милан, Комо ва Лекко шаҳарларида жиноятчи гуруҳларнинг базаси жойлашган. Шунингдек, мамлакат жануби, яъни Сицилияда ҳам бир неча киши ҳибсга олинди.

"Ндрангета" синдекати жаҳондаги энг кучли жиноий ташкилотлардан бири ҳисобланади. У Италия жанубидаги энг камбағал Калабри музофотида ташкил этилган. Синдекатнинг бир йиллик даромади 47 миллиард евродан ошади. У гиёҳванд моддалар билан яширин ва ошкора савдо қилувчи синдекат сифатида танилган. Шунингдек, қурилиш, ресторан бизнеси ҳамда чакана савдо билан ҳам шуғулланади.

**ҚОРНИНГ ҚАЛИНЛИГИ БИР ЯРИМ МЕТР**

**Нью-Йорк штати ғарбида уч кун давомида кучли қор ёғиши оқибатида камида беш киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**



Уларнинг бири қор бўрони туфайли юз берган йўл-транспорт ҳалокати қурбони бўлди. Уч киши юрак хуружидан вафот этди. Sky News тарқатган ахборотга қараганда, улардан икки нафари қор кураётган, яна бири қорга ботиб қолган машинасини итаришга уринаётган бўлган. 46 ёшли кишининг жасади эса ўзининг қор уюми остида қолган машинасидан топилди.

Нью-Йорк штати магистралларида юздан зиёд киши ўз машинасида ташқи муҳитдан ажралиб қолди. Уларнинг кўпи кун бўйи машиналаридан чиқишолмади.

Штатдаги 10 та округда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Обҳаво ёмонлиги сабабли мактаблар ёпилди. Маҳаллий маъмурлар шахсий машина эгаларини пиёда юришга даъват этишди. Ноқулай об-ҳаводан жабр кўрганлар шифохоналарга қор устида юрувчи махсус транспорт воситаларида келтирилмоқда.

**КОНВЕРТ ИЧИДА... ЗАҲАР**

**Чехия ички ишлар вазирлиги раҳбари Милан Хованцга аталиб, ичига хат ўрнига заҳар солинган конверт келди.**



Маҳаллий Novinky газетасининг хабар беришича, ушбу заҳар – цианид моддаси эканлиги тахмин қилинмоқда. Хат Шимолий Европадан жўнатилган экан. Конверт ичидан заҳардан бошқа ҳеч нарса чиқмади.

РИА Новостининг таъкидлашига кўра, вазирлик ходимларидан ҳеч ким заҳардан жабрланмади. Айни пайтда конверт лабораторияга жўнатилган. "Биз ички ишлар вазирлигида янги чора-тадбирлар қўллаб, жиноятчиларнинг йўлига тўсиқ қўйдик", деди Чехия ички ишлар вазири. У яна айтдики, кейинги вақтларда Европада гиёҳванд моддалар тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланган бир нечта гуруҳ зарарсизлантирилди. National Post газетасининг ёзишича, Прага Ироқ армиясига қирувчи самолётлар, 500 тонна ўқ-дори, шунингдек, 1,5 миллион долларлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Заҳарли конверт жўнатилишига шу нарса ҳам сабаб бўлса, ажаб эмас.

**ПЕЛЕНИНГ ЎҒЛИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ**

**Бразилиялик афсонавий футболчи Пеленинг ўғли гиёҳванд моддалар савдосидан тушган пулни ўзлаштиргани учун ҳибсга олинди.**



Бироқ, Associated Press агентлигининг ёзишича, суд ушбу қарорни бекор қилгани учун Эдиньо номи билан машҳур бўлган футболчи озодликда қолиши мумкин. Судья Сузанна Прейранинг таъкидлашича, адвокатлар юқори инстанция судига апелляция тақдим этишлари мумкин. Унинг гапига қараганда, янги қарор қабул қилингунча, Эдиньо ҳибсда сақлаб турилади. Ҳимоя томонидагилар Эдиньони зудлик билан озод этишни талаб қилмоқчи.

Шу йилнинг май ойи охирларида Пеленинг ўғли наркомафия пулларини ўзлаштиргани учун 33 йилга қамалган эди. Ўшанда у апелляция тақдим этиб, то бу ҳужжат кўриб чиқилгунча озодликда юрган эди.

Дарвоқе, Эдиньо 1990-йилларда Бразилиянинг "Сантос" клубида тўп сурган эди. Унинг отаси Пеле ҳам айнан шу жамоада ўйнаб, бутун дунёга машҳур бўлган.

**ЭБОЛА ЭПИДЕМИЯСИНИ ЖИЛОВЛАШ МУМКИН**

**Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БСТ) 2015 йилга бориб, Эбола безгагига чалиниш камайиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.**



Reutersнинг ёзишича, БСТ эксперт-эпидемиологи Пьер Форменти яқин 5-6 ой ичида вазият яхши томонга ўзгариши кутилаётганини айтди. Унинг гапларига қараганда, БСТ ушбу хавфли касалликка тезда ташҳис қўйиш усулини ишлаб чиқмоқда. Шунга эришилса, безгак вируси бор-йўқлиги 30 дақиқада маълум бўлади. Бу эса безгак тарқалишининг олдини олиш имконини беради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ўқув-семинар

# СОҲА РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозалари даражасидаги миллий модели яратилди. "Саломатлик – 1" ва "Саломатлик – 2" лойиҳалари соҳада амалга оширилаётган хайрли мақсадларнинг самараларидан биридир.**



Яқинда лойиҳани амалга ошириш марказий ҳамда ҳудудий бюролари, пойтахт ва вилоят тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ҳамда мувофиқлаштирувчилари учун халқаро консультант Роберто Гуттереснинг "Туман тиббиёт бирлашмаларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш" мавзуида ўқув-амалий машғулотлари бошланди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда "Саломатлик – 3" лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг Юқори Чирчиқ, Паркент, Пискент ҳамда Зангиота туманлари тиббиёт бирлашмалари марказий шифохоналари, кўп тармоқли марказий поликлиникалари, Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси биринчилардан бўлиб замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, 9 та мутахассислик йўналишида туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда оилавий поликлиникалар шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимларидан тренерлар тайёрлаш қисқа муддатли ўқув семинарларида вилоятдан 80 нафар шифокор тренер сифатида тайёргарликдан ўтказилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Кўзгудаги ўзимиз

# ЁЛҒОН АРАЛАШГАН ТУРМУШ ТУРМУШМИ?..



Тун бўйи ёққан қалин қор болалар учун айни муддао бўлиб, қорбўрон ўйини авжига чиқди. Гулҳаё ҳам мактабдан қайтаётиб дугоналари билан ўйинга берилиб кетди. Сирпанчиқ учаётган Гулҳаё мувозанатни йўқотиб, пастликка қулади-ю, чинқириб юборди. Чап елкасидаги кучли оғриқ азобидан ранги бўздек оқарди...

– Яхшиям қизингизни вақтида олиб келибсиз, – деди рентген хулосаси билан танишаётган шифокор. – Қўлининг уланиш қисми синган, елкаси дарз кетган.

– Вой шўрим, энди қизим ногирон бўлиб қоладими?

– Нималар деяпсиз? Қизингиз ёш, гипслаб қўямиз, бир ойда кўрмагандай бўлиб кетади.

Шифокор амалиёт ўтаётган талаба Бахтиёржонга гипс тайёрлашни буюрди. Бу қуюққош йигитча ишга киришар экан, ўткир нигоҳи қизнинг ёшли кўзлари билан тўқнашди. Гулҳаё ёш шифокорнинг бу қарашида, "Кап-катта қизга уят-эй" деган маънони уқиб, баттар уялиб кетди.

– Елкани гипслаш учун кўйлакни ечишинг керак, – деди шифокор. – Биздан уялма, она қизим. Мана бу аканг ҳам бўлажак шифокор. Тезроқ ҳаракат қилмасак, гипс қотиб қолади.

Айни дамда оғриқдан эмас, балки уятдан қисилаётган Гулҳаёнинг бутун вужудида титроқ турган эди.

Ҳар куни ўнлаб беморларни гипслашга ёрдам берадиган Бахтиёр ҳазил-мутойиба қилишга ўрганиб қолган эди. Гулҳаёнинг ҳаёли қиз экани йигитнинг қалбида аллақандай туйғулар уйғотди. Шу сабаб ишни тугатгунича, бирор сўз айтмади.

Шифохонадан чиққан Гулҳаё негадир иккинчи қаватдаги таниш деразага қаради. Ўша деразадан Бахтиёр унинг бир бор боқишига интиқ бўлиб турганди. Нигоҳлар тўқнашуви икки қалбнинг муҳаббат торларини чертиб ўтди.

Шу куни Гулҳаё туни билан мижжа қоқмади. Икки кундан кейин Гулҳаё қўлини қайта гипслатишга келишини эслаб, ҳаяжонланарди.

Қиз Бахтиёрни хонада ёлғиз кўриб, ўнғайсизланди:

– Ҳалиги... шифокор йўқмидилар?

– Шу ердалар. Аммо гипслашни менга топширдилар.

Гулҳаё "панчо"сини оҳиста ечар экан, Бахтиёр хонадан чиқиб, зум ўтмай, ҳамшира қизни бошлаб кирди...

Гулҳаёнинг болаликдан шифокор бўламан деган орзуси ушалиб, ўз кучи билан ўқишга кирди. Бахтиёрга талпинаётган юраги эса ҳар сафар институтда у билан учрашганда, йигит қалбидаги оташин севги тафтини туярди.

Ўтган бир йил ичида улар бир-бирларига анча ўрганиб қолишди.

– Гулҳаё, – деди Бахтиёр бир куни, – яна саноқли кунлардан кейин ўқишни битираман. Иш жойини ҳам мўлжаллаб қўйдим. Олдимга қўйган биринчи мақсадимга эришдим. Энг асосий мақсадимга ҳам эриша олармикинман?

Қиз Бахтиёрнинг мақсадини уқиб, ота-онаси йўқлигига ишора қилаётганини тушунди. Шу топда Гулҳаё Бахтиёрнинг ўксик қалбига далда бўлишга тайёр эди-ю, кунда-кунора келаётган совчилар ҳақида гапиришни ўзига эп билмасди. Чунки Бахтиёр амакисининг қўлида туриши, боз устига уйланиши учун ўзи пул жамғариб, уй сотиб олиш тараддудида юргани Гулҳаёга маълум эди.

Шундай кунларнинг бирида онаси совчилар ҳақида сўз очди:

– Тунов куни отангнинг улфати сени ўғлига сўрабди, ваъдалашишган экан. Бадавлат хонадон, сени ўқитамиз дейишибди...

Гулҳаё эсанкираб қолди. Чунки отасига қарши боролмайди.

Бу хабар Бахтиёрни ҳам бутунлай гангитиб қўйди:

– Шу бугуноқ келин-ойимни сизларникига юбораман.

Гулҳаё ўқишдан келгач, онаси заҳарханда қилди:

– Йигитингдан совчи юборишини сўраганмидинг?

Гулҳаё бу қўққис саволдан кўра, онасининг важоҳатидан эсанкираб қолди.

– Билиб қўй, ўша етимваччанг ҳақида отанг эшитиб қолса, нақд калланг кетади. У билан алоқани уз, йўқса...

Шу гапдан сўнг Гулҳаё ўқишга келмай қўйди. Бахтиёр ўз ёғига қоврилиб, иккинчи бор Гулҳаёларникига совчи юборди. Бироқ, улар қизнинг бошқага унаштирилгани хабари билан қайтишди.

Бу гапдан Бахтиёр тахтадек қотди. Кун бўйи карахт юрган йигит Гулҳаёнинг отаси билан гаплашишга қарор қилди ва тўппа-тўғри унинг ишхонасига борди. Кўринишидан салобатли ота Бахтиёрнинг "дарди"ни эшитгач, босиқлик билан деди:

– Энди, йигитча, гап бундай. Ҳар бир ота-она фарзанди бахтли бўлишини истайди. Мен сизни биринчи бор кўриб турибман... Қолаверса, дўстимга лафз қилиб қўйганман. Лафз нима эканини тушунсангиз керак?

Бахтиёр бундай муомаладан "гап тамом-вассалом" деган маънони англади...

Тўйдан бир неча кун кейин ўқишга шошилаётган Гулҳаё куёвни нонуштага уйғотди:

– Турақолинг, ўрин-кўрпаларни йиғиб кетишим керак.

Уйқусираётган куёв кўзини очмаёқ тумба устидан ниманидир қидираркан:

– Линзам қани? – деди.

– Қа-на-қа линза?!

Гулҳаё даҳшатдан қотиб қолди. Куёвнинг бир кўзи оғзи очиқ ўрани эслатарди. У шиша кўзлигини келиндан яширганди.

Кўнгилсиз қурилган турмушда даҳшатли ёлғонга дуч келган Гулҳаё анчагача ўзига келолмай, дарсда ҳам карахт бўлиб ўтирди. Бахтиёрни ҳаётидан ўчирган кундан бошлаб яшашидан маъни йўқолганди. Эрталабки воқеа эса дард устига чипқон бўлди.

Дарс тугагач, Гулҳаё шошилмай, синфдан чиқди.

– Синглим, сизни анчадан бери кутаётгандим, – деди ҳовлида бола кўтариб турган аёл. – Сиз турмушга чиққан йигит иккимиздан ташқари яна қанча қизларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Маратнинг домига илинган кунимга лаънатлар бўлсин! Ҳомиладорлигимни билганидан кейин мендан юз ўгирди. Кейин билсам у гиёҳванд ҳам экан. Бошида бунга ишонмадим, аммо тиббиёт боламнинг отаси гиёҳванд эканини исботлади...

Кейин нима бўлганини Гулҳаё эслолмайди. Касалхонада кўзини очганда, тепасида ҳамма гапдан хабардор ота-онаси туришарди. Гулҳаё ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга анчайин кечиккан бўлса ҳам, охирги қарорни ўзи қабул қилди:

– Ойижон, севмаган одамга турмушга бердингиз, кўндим. Лекин ёлғон билан бошланган турмушни хоҳламайман. У билан ортиқ яшамайман...

**Аллома АЗИЗОВА.**

Олов – тилсиз ёв

# ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

**Давлат ёнғин назорати хизматининг муҳим вазифаларидан бири республикада қурилаётган, реконструкция қилинаётган, капитал таъмирланаётган ва қайта техник жиҳозланаётган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдир.**

Қуриш-таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларидаги ёнғинга қарши ечимлар хавфсизлик талабларига мос келиши, фуқаролар уйлари ҳамда бошқа бино ва иншоотларни қуришда ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла амал қилиниши, қурилиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар бериш мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизматида меъёр-амалиёти юритилади. Бу иш билан вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг меъёрий-техника экспертиза гуруҳи шуғулланади.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилдаги манзилли Дастури тўғрисида"ги Қарори ва вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг 2014 йилги манзилли дастурига асосан вилоятда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш республика фонди ва бошқа давлат корхоналарига қарашли объектлар қурилиши лойиҳа ҳужжатларидаги ёнғинга қарши тадбирлар ижроси назоратга олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 20 ноябрдан 20 декабрга қадар ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки барча фуқароларни ҳушёрликка чорлайди. Фурсатдан фойдаланиб, ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида қурилиш ишларига алоқадор барча мансабдор шахсларга, пудрат ташкилотлари раҳбарларига, буюртмачи ва қурувчиларга мурожаат қилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни, ётоқ вагонларида қўлбола ва ностандарт электр иситиш асбобларидан фойдаланмасликни, тармоққа уланган электр асбобларини назоратсиз қолдирмасликни, бино ва иморатлар ичида очиқ оловдан фойдаланмасликни тавсия этамиз.

**Мансур МИРЗАХЎЖАЕВ,**
**вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси.**

# ТАДБИРЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарорларига асосан 20 ноябрдан 20 декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.**

Ойликнинг асосий вазифалари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати фуқароларни, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, соҳа ходимлари кўрсатган барча чора-тадбирларни ўз вақтида бажаришни сўрайди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнғиннинг олдини олган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингиз ва атрофингиздагилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Ҳурматли фуқаролар!

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да фаол иштирок этинг!

**Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**

Инсонпарварлик тамойили

# ЯНГЛИШГАНДИ, АВФ ЭТИЛДИ...

**Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг очиқ мажлиси "Elektronika ilmiy tadqiqot va ishlab chiqarish markazi" давлат унитар корхонаси директори Тоштемир Маҳмадиёров устидан жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқарди.**

**Хўш, бу шахс аслида суд курсисига нима учун ўтирди, у қандай жиноятларга қўл урди?**

Т. Маҳмадиёров 2010 йилнинг май ойидан шу корхонани бошқариб келган. Моддий жавобгар шахс бўла туриб, директор ўринбосари Сайдали Раҳмонов, ҳисобчи ва бош ҳисобчи лавозимларида ишлаб келган Зокир Қодиров ҳамда "Almida Trade" масъулияти чекланган жамияти мансабдор шахслари билан тил бириктириб, ноқонуний даромад пайига тушишди. С. Раҳмонов номидан 2011 йилнинг ноябрь ойида ушбу жамият билан 10 миллион 400 минг сўмлик электр асбобларини сотиб олиш ҳақида шартнома тузилиб, амалда жамиятдан бор-йўғи 2 миллион 820 минг сўмлик маҳсулот олинди. Улар сотиб олинаётган моллар нархини ошириб кўрсатиб, унитар корхонанинг 7 миллион 580 минг сўм пулини талон-торож қилишди. Бундан ташқари, мўмай даромадни янада кўпайтириш мақсадида турли воситачи жамиятлар билан "келишиб" иш тутишди ва бу қабиҳ ишларни давом эттиришди. Натижада корхонага кўплаб моддий зарар етказишди.

Ҳеч қандай қинғир иш беиз кетмайди. Корхона директорининг барча қинғирликлари фош бўлди. Суд туман прокурорининг жиноят иши борасидаги фикри ҳамда содир этилган иш материаллари билан батафсил танишиб чиқди. Корхона раҳбарининг қилган ишидан чин маънода пушаймонлигини ҳам инобатга олиб, ажрим чиқарди. Яъни, адолатли жамият қоидаларига кўра, унга нисбатан кечиримлилик тамойили қўлланилди. Олий Мажлис Сенатининг амнистияга оид қарорининг тегишли бандлари қўлланилиб, айблилик масаласи муҳокама қилинмасдан тугатилди ва манфаатдор томонларга келтирилган моддий зарар юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Хулоса шуки, киши эл-улус олдида пушаймон бўлишдан аввал бунинг оқибатларини чуқур ҳис этиши керак. Одил жамият чин маънодаги бу пушаймонликни инобатга олиб, Т. Маҳмадиёровнинг қилмишини кечирди. Энди ҳаётда бошқа қоқилмаслик, қинғир ишларни такрорламаслик унинг виждонига ҳавола.

**Алишер ДОВҚОРАЕВ,**
**республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими катта суриштирувчиси.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1434. Адади 7742. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.10.